ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ СПОРТ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАРНИ ИЛМИЙ-МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ, ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги

Жисмоний тарбия спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази

«ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИГА ОИД ЯНГИ СЎЗ ВА АТАМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ»

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ ТЎПЛАМИ

2020 йил 30 октябрь

ЧИРЧИҚ-2020

ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИНГ АҲАМИЯТИГА ОИД ЯНГИ СЎЗ ВА АТАМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Тўраев Б.Б., Казоқов Р.Т., ЎзДЖТСУ

Бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида «қадриятлар», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий ғурур», «миллий ифтихор» кабиатамалар тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас. Зотан, мустаққиллик Айни пайтда миллий тикланиш ҳамдир. Уни эса мазкур тушунчаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Хўш, қадриятлар тушунчасининг ўзинима? Унинг моҳияти, асосий жиҳатлари нимадан иборат? Энг аввало шуни қайд этиш керакки, қадриятлар жуда сермазмун тушунчадир. Шунинг учун ҳам адабиётларда мазкур тушунчага турлича ёндашувларни учратишимиз мумкин. Масалан, «Файласуф энциклопедияси»нинг бешинчи жилдида қадриятлар қуйидагича тавсифланади: «Қадриятлар фалсафий ва социологик тушунча. У биринчидан, бирор объектнинг ижобий ва салбий қимматини, иккинчидан, ижтимоий онгининг норматив белгиловчи – баҳоловчи жиҳати (субъектив қадриятлар ёки онг қадриятлари)ни ифода этади» Дарҳақиқат, қадриятларнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти баҳолаш туфыайли белгиланади. Баҳолаш эса инсонларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, қизиқишларидан келиб чиқади. Маълумки, жамият аъзоларининг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари хилма-хил бўлиб, кўпинча улар бир-бирига зид келиши мумкин. Шунинг учун ҳам муайян ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, синфлар учун олий қадрият бўлиб, ҳисобланиб келинган табиат ва жамият ҳодислаари бошқалар учун қадрият бўлмаслиги ҳам мумкин ва аксинча.Миллат ва халқларнинг диний эътиқоди, маросим ва анъаналари миллий қадриятлар сифатида ўзининг асл ҳаётий сифатини тиклаб олмоқда. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: табиат ва жамият ходисаларини қадрият туркумига киритиш ва киритмаслик кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, орзу-умидлари, мақсадлари билан белгиланади. Демак, қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва шу туфайли улар томонидан баҳоланиб қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари ходисалари тушунилмоғи лозим. Қадр-қиммат шахснинг ҳурматлашиш, унинг ҳуқуқларини эътироф этишни ҳам қамраб олади. Қадр-қиммат шахснинг ижтимоий ва маънавий эркинлигини муҳим томони сифатида юзага келади. Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида пайдо бўлади ва ривожланади. Миллий маданият ва қадриятларнинг тикланиши, жамиятимиз тараққиёти ва инсон шахсининг, маданий, маънавий, ахлоқий ривожланиши, келажакда буюк давлат эгаси бўладиган комил инсонни тарбиялаш, вояга етказишда кенг истиқлол йўлини очиб беради. Қадриятлар халқимизнинг тенгсиз бойлигидир. Уни авайлаб-асараш, ривожлантириш, бойитиш муқаддас бурчимиздир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда фан ва техникада, маданият ва

санъатда нимаики, янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интилмоқда. Ўзбек диёрида, тарихда кўп марта бўладиган яна янгидан ўзимизни бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими инсонларга керакли қадриятларимиз тизими барпо этилмоқда. Қадрият инсоннинг борлиғи ҳам жамиятнинг ахлоқий эстетик, ҳуқуқий саҳоларини ҳам, ижтимоий онг соҳасининг ҳам қамраб олган мураккаб жараёндир. Инсоннинг ўзлиги, менлиги борлиғининг асосий фундаменти қадрият билан бойитилади, тўлдирилади. Кишилар ўзларининг амалий фаолиятида ҳаёт учун зарур бўлган табиий талаб, эҳтиёжларини предметлар ва ҳодисаларнинг хусусиятиларидан фойдаланиб қондирадилар. Масалан, одамнинг чанқовини сув, очлик хиссини нон, кислород нафас олий орқали тананинг унга бўлган эҳтиёжини қондиради. Шунинг учун ҳам ҳам биз бу «неъматларни қадрлаймиз. Лекин шундай нарсалар ҳам борки, улар бизга ёқмайди, улар ҳаётимиз учун зарурдир. Қўполлик, беҳаёлик, ўғрилик, ёлғончилик, ифлослик ва ҳоказолар ана шундай ёқимсиз нарсалар бўлиб, биз улардан қўтилишга интиламиз. Инсоният олами маънавий ва жисмоний маданият билан етарлича бойликга эга. Бундан ўзбек халқи ҳам мустасно эмас. Энг қадимги аждод ва авлодларимиздан то ҳозирги мустақиллик давригача давом этиб келаётган хилма-хил миллий анъаналаримиз, замонавий байрамларимиз энг улуғ ва энг муқобил маданиятимиз жаҳон халқлари орасида манзурдир. Ижтимоий-меҳнат ва турмуш маданиятимизнинг салоҳияти соғлом авлод меҳнат тарбияси ва ижодкорлик, бунёдкорлик каби фаолиятлари билан мужассамлашган. Наврўз, Мустақиллик куни, ҳосил байрамлари, халқ миллий ўйинлари Республика мусобақалари (Алпомиш, Тўмарис фестиваллари), "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада"лар каби кўп босқичли спорт мусобақалари анъанавий тадбирларга айланди. "Қувноқ стартлар" телевизион ўйинлари мактаб ўкувчиларининг энг қизиқарли ва мазмунли ҳаракатли ўйини ҳисобланади. Кураш, теннис, бокс, бадиий гимнастика, сув ости гимнастикаси (синхрон сузиш) каби спорт турлари бўйича халқаро турнирларнинг ўтказиб борилиши Ўзбекистоннииг спортдаги салоҳиятини юқорига кўтармоқда. Меҳнат жамоалари, ижодий муассасалар, маҳалла ва қишлоқ аҳолисининг спартакиадалари ҳам ўз мазмунига эгадир. Сўнгги йилларда анъанага айланаётган "Маҳалламиз полвонлари", Хотин-қизлар спорти (Тўмарис ўйинлари), "Соғлом оила», "Оилавий спорт" каби муҳим мусобақалар ҳам тобора оммалашмокда. Эътиборли томони шундаки, юқорида таъкидланган деярлик барча оммавий спорт тадбирларида ҳаракатли ўйинлар ҳам у ёки бу даражада қўлланилмоқда, Айниқса, халқ миллий Ўсиб келаётган ёш авлод жисмоний тарбияси ва спортда инновацион технологиялар Халқаро иштирокчилар ҳамкорлигида республика илмий-амалий анжумани материаллари 25 ўйинларига бағишланаётган Алпомиш ўйинлари республика фестиваллари ва Тўмарис ўйинлари Республика фестиваллари мазмунининг асосий қисмлари миллий харакатли ўйинлар билан бойитилмокда. Уларда "Елкада кураш", "Пиёда кўпкари", "Хўрозлар жанги", "Шувоқ", "Чўпон", "Эшак минди", "қулок чўзма", "Арқон тортишиш", "Билак кучини синаш, "Қирқтош", "Солди" каби ҳаракатли ўйинлар мақсад ва мазмунан кизиқарли ташкил этилмокда. Яна муҳим жиҳати шундаки, қишлоқларда, қўрғонларда

ўтказилаётган катта-кичик тўйларда (суннат, ўғил уйлантириш, қиз чиқариш), гаштакларда (гап) турли хил ҳаракатли ўйинлар бўйича баҳс, мусобақалар ташкил этилмоқда. "Чиллик", "Оқ суяк", "Пода тўп" отдан ағдариш, пиёда пойга, тортишиш, оловдан сакраш, қувлашмачоқ каби халк миллий ўйинларига қизиқиш каттадир. Буларнинг энг устувор сабаблари шундаки, ҳаракатли ўйинлар орқали барча жисмоний сифатлар, инсоний фазилатлар тарбияланмокда. Айниқса, эстетик жиҳатдан завқ олиш, ўйин томошалар туфайли дўстлик, меҳрибонлик, ўзаро ҳамкорлик, меҳр-оқибат, Ватанга садоқат каби ҳис туйғулар мужассамлашиб бормоқда.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР ШАРҲИ: МУАММОЛАР ВА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР

Турсуналиев И.А., Ҳайитов О.Э., Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5850-сон Фармони [1] ижросини таъминлаш, шунингдек, халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тилини тарғиб қилиш ҳамда ўзбек тилшунослиги соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 мартдаги “Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 139-сонли қарори [2] қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестацияси натижалари кўра, 2015-2020 йилларда “10.00.01 – Ўзбек тили (филология фанлари)” ихтисослиги бўйича 113 та диссертация иши ҳимоя қилинган. Улардан 97 таси фалсафа доктори (PhD), 16 таси фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган тадқиқотлар саналади [3].

Мазкур диссертацион тадқиқотларда фақат биттасидагина, яъни Шокирова Махбуба Назирғуломовнанинг “Ўзбек тилидаги “спорт” семемали бирликларнинг структур-семантик тадқиқи” номли тадқиқот ишидагина жисмоний тарбия ва спорт соҳаси атамалари билан боғлиқ муаммолар ўрганилган [3]. Сўнгги 5 йилда 10.00.01 – Ўзбек тили (филология фанлари) ихтисослигидан ҳимоя қилинган умумий тадқиқотларнинг 0,0088 фоизи жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид муаммолар улушига тўғри келади. Таҳлилларга кўра, мазкур тадқиқотнинг илмий янгилиги сифатида қуйидагиларни: (1) ўзбек тили умумлисоний лексикаси, спорт соҳавий бирликлари ва терминологик қатламга доир луғавий бирликларнинг истеъмол даражаси очиб берилганлигини; (2) “спорт” семемали шахс, предмет ва жараён

Бўрибоев Д.Б. РОЛЬ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ В ВЫСОКОКВАЛИФИЦИРОВАННЫХ СПОРТСМЕНОВ	***169***
Кулиев Р.С. ЁШ СПОРТЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ПРИНЦИПЛАРИ	***171***
Неъматов Б.И. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТДА ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ, МАХСУС АТАМАЛАРИ	***174***
Тойлибаев С. ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТЕРМИНЛОГИЧЕСКИХ СРЕДСТВ ОСНОВНОЙ ГИМНАСТИКИ В СТАНОВЛЕНИИ СПЕЦИАЛИСТОВ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ	***177***
Тўраев Б.Б., Казоқов Р.Т. ҚАДРИЯТЛАР ТИЗИМИДА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИНГ АҲАМИЯТИГА ОИД ЯНГИ СЎЗ ВА АТАМАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИДАГИ МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР	***179***
Турсуналиев И.А., Ҳайитов О.Э. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР ШАРҲИ: МУАММОЛАР ВА АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР	***181***
Умаров Х.Х., Бўриев А.Х. ТАЛАБАЛАРНИНГ ХАРАКАТ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ГИМНАСТИКА БАЗАВИЙ ВОСИТА СИФАТИДА	***183***
Урдабаев М.А. БОКСЧИЛАРНИНГ ЖАНГ ТАКТИКАСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ УСЛУБИЯТИ	***185***
Усманов Қ.К. ЁШ ТЕННИСЧИЛАРДА АЙРИМ ЎЙИН МАЛАКАЛАРИНИ ВЕСТИБУЛОКИНЕТИК МАШҚЛАР ЁРДАМИДА ШАКЛЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ	***189***
Хасанов А.Б. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ТАЪЛИМИДА РЕЙТИНГ ТИЗИМИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ	***193***
Шопулатов А.Н. ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИГА ОИД ЯНГИ СЎЗ ВА АТАМАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ БОРАСИДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ	***196***
Юлдашева К.А. ИЖТИМОИЙ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ	***198***

Муҳаррирлар: Айходжаева М., Жамидинова В.
ЎзДЖТСУ нашриёт бўлими

Босишга рухсат этилди 10.11.2020. Қоғоз бичиси 60x84 1/16. Ҳажми 9,4 физ. б.т.
Адади 100 нусха. 49-сон буютма.
“ZAMON POLIGRAF” ОК босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Бободеҳқон маҳалласи 45 уй.